

ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЎЗЛАШТИРИШ РЕЖАЛАРИ ВА ҚЎШИМЧА ЭКСПОРТ ИМКОНияТЛАРИ Кўриб чиқилди

Президент Шавкат Мирзиёев 4 март куни камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш, инвестиция ва экспорт кўрсаткичлари бўйича ҳисобот билан танишди.

Йил бошидан аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича янги тизим жорий қилинган эди. 208 та туман ва шаҳар ҳокимлари ҳамда банклар раҳбарлари ўртасида бу борада ҳамкорлик шартномалари имзоланди. Банк филиалларида маҳаллабай ишлаш бўлимлари ташкил этилиб, уларга маҳалла банкirlари тайинланди.

Буларнинг натижасида январь ойида 239 минг, февраль ойида 480 минг аҳоли даромадли меҳнатга жалб қилинди. Йил бошидан кичик ва ўрта бизнесга ҳамми 14 триллион сўм кредит йўналтирилди. Жамладан, тадбиркорлик дастурлари доирасида 2 триллион сўм ажратилди.

Одамларга даромад топиш имкониятлари, тайёр бизнес лойиҳалари таништирилиб, уларни амалга ошириш йўллари ўргатилмоқда. Ишли бўлганлар солиқ кўмитасида тасдиқланмоқда. Масъулларга юклатилган вазифалар ижроси таҳлил қилиб борилаётир.

Йигилишда ушбу таҳлиллар ҳақида ахборот берилди.

Аҳоли бандлигини таъминлашда Жиззах, Самарқанд, Бухоро ва Навоий вилоятларида ҳамда “Ўзмиллийбанк”, “Асакбанк”, “Микрокредитбанк” ва “Бизнесни ривожлантириш банки” лойиҳаларида юқори кўрсаткичлар қайд этилган.

Лекин Сирдарё вилояти, 24 та туман ва шаҳарда натижалар юқори эмас. Шу боис вазифалар ижросида сусткашликка йўл қўйган 30 нафар раҳбарга нисбатан чоралар кўрилган.

Тўпланган тажрибадан келиб чиқиб, келгуси ойларда натижадорликни ошириш, шисизларни касбга ва фойдали меҳнатга йўналтириш зарурлиги таъкидланди. Ҳозирги баҳор

мавсумида томорқа ва ижара ерларда тўлиқ экин экиш, буни “online-mahalla.uz” платформаси орқали кузатиб бориш бўйича кўрсатмалар берилди.

Ўтган икки ойда инвестиция ва экспорт кўрсаткичлари ҳам ижобий бўлди. Йил бошидан бери 6 миллиард доллардан зиёд хорижий инвестиция ва кредитлар ўзлаштирилди. Киймати 574 миллион долларлик 1 минг 100 та ўрта ва кичик лойиҳа бажарилиб, 17 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди.

2,8 миллиард долларлик товар ва хизматлар экспорт қилинди. Айниқса, заргарлик маҳсулотлари экспорти ўтган йилдагига нисбатан 7 баробар, кимёда 1,7 марта, электротехника ва озиқ-овқатда 1,2 қарра, туризм жамғуварли 1,6 баробар ўсган.

132 та корхонада халқаро стандартлар жорий қилинган. 521 та корхона илк бор ташқи бозорга чиқиб, биргина февраль ойида қўшимча 183 миллион доллар экспорт қилган.

Йигилишда айрим тarmoқ ва ҳудудларда инвестиция кўрсаткичлари паст бўлгани қайд этилиб, бунинг сабаблари ва ечимлари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосари этиб тайинланган Дилмурод Қосимов таништирилди. У тадбиркорлар ва инвесторларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси соҳасидаги назорат учун масъул бўлади. Эндиликда прокуратура идоралари бу борада қулай ҳуқуқий муҳит яратишда муҳим ўрин тутайди.

Мутасаддилар биринчи чорак якуни билан 8 миллиард доллардан зиёд хорижий инвестицияларни ўзлаштириш режалари, қўшимча экспорт имкониятлари юзасидан ахборот берди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

8 МАРТ — ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ Тўғрисида

Мамлакатимизда мўтабар аёл зотиға муносиб эҳтиром кўрсатиш, хотин-қизларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни ва нуфузини ошириш, шунингдек, ўзининг кўп йиллик самарали меҳнати, юқори касбий малакаси ва маҳорати билан юртимиздаги тўб ислохотларда фаол қатнашиб, Янги Ўзбекистонни барпо этиш, халқимиз фаровонлигини юксалтириш йўлида алоҳида ташаббус ва ибрат кўрсатиб келаётган, оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни мустаҳкамлаш, фарзандларимизни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга қатта ҳисса қўшаётган қуйидаги опа-сингилларимиз мукофотлансин:

«Дўстлик» ордени билан

Абилова Айгул Турсуновна — Қонимех тумани ободонлаштириш бошқармаси фароши, Навоий вилояти

Ғазиева Любовь Борисовна — «Ўзбекистон миллий метрология институти» давлат муассасаси бўлим мутахассиси

Ғаибназарова Нодира Баходиржановна — Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Қенгагининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудри

Жамолова Дилноза Муйдиновна — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти директорининг ўринбосари

Қозиқонова Орзигул Муйдиновна — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари кўмитаси раиси

Ўзбекистон — Грузия:

АЗАЛИЙ АЛОҚАЛАР ВА ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Олий Мажлис Сенатида Грузия Бош вазири Ираклий Кобахидзе раҳбарлигидаги делегация аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди.

Учрашув аввалида Сенат Раиси Танзила Норбоева мартабали меҳмоннинг мамлакатимизга ташрифи икки давлат ўртасида қарор топган яқин ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришда янги саҳифа очиш учун қатта имконият эканини таъкидлади.

Ўзбекистон ва Грузия халқларининг миллий урф-одатларида уйғунлик кузатилади, икки халқ ҳам меҳмондўст ва ўз юртига садоқат каби хусусиятларга эга. Сўнгги йилларда дўстлик ришталари қадимий аъёналарга мос равишда ривожланмоқда. Икки миллат вакилларини ўзаро ишонч туйғулари боғлаб турибди.

Тошкентда “Ўзбекистон — Грузия” дўстлик жамияти тузилгани ва “Меғоброба” маданий маркази фаолият юритиши ҳам фикримиз тасдиғидир.

Сўхбат чоғида меҳмонларга “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгиланган устувор вазифалар, унинг доирасида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Нафақат ҳукуматлараро, балки парламентлараро муносабатларни мустаҳкамлаш, қонунчилиқни такомиллаштиришда тажриба алмашиш, ишга солинмаган имкониятлардан

оқилона фойдаланиш ўзаро алоқаларнинг изчиллигини таъминлайди, дейилди учрашувда.

И. Кобахидзе Грузия Ўзбекистон билан яқин ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор эканини билдирди ва юртимизда барча соҳада қўлга киритилаётган ютуқларни юқори баҳолади, давлатимиз раҳбари олиб бораётган ислохотларнинг ҳаётда ўз ифодасини топаётганини таъкидлади.

Шунингдек, мулоқотда туризм, иқтисодиёт, электроника, аграр ва транспорт коммуникацияси сингари устувор йўналишларда алоқаларни мустаҳкамлаш масалаларига эътибор қаратилди.

Учрашувда икки мамлакат ўртасида истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан ўзаро фикр алмашилди, хусусан, ҳамкорликнинг бугунги ҳолатини таҳлил этиб, янги режаларни белгилаб олиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Грузия парламенти раҳбарлари юртимизда бўлиб ўтадиган Парламентлараро Иттифокнинг 150-йубилей ассамблеясида қатнашишга қатта қизиқиш билдирётгани қайд этилди, келгусида ҳам халқаро майдонларда ўзаро қўллаб-қувватлаш амалиётини мустаҳкамлашга келишиб олинди.

Қунназарова Бибибара Қалмуратовна — «Хунарманд» уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси аъзоси, ўтов жиҳозлари тўқувчиси

Мамадиярова Насибали Аблакуловна — Булунғур тумани ҳокимининг ўринбосари — оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи, Самарқанд вилояти

Мамбетниязова Гулзар Шерниязовна — Чимбой тумани ҳокимининг ўринбосари — оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

Минаева Гулнара Акрамовна — «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг «Ўзвагонтаъмир» акциядорлик жамияти Самарқанд вагон депоси цех қатта устаси, Самарқанд вилояти

Мирзаева Хабиба Бабаевна — Оқолтин туманидаги «Олтин мерос» фольклор ансамбли аъзоси, «Эъозли аёллар» спорт тўғраги раҳбари, Сирдарё вилояти

Мусурманова Айниса — Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар кўмитаси ҳузуридаги Оила ва гендер илмий-тадқиқот институти директорининг ўринбосари

Работнева Лариса Александровна — «Uzbekistan Airways Technics» масъулияти чекланган жамиятининг гарбда ишлаб чиқарилган самолётлар сифатини таъминлаш хизмати муҳандиси

Салихова Мавлида Назруллаевна — Бухоро вилояти «Ойдин Нур» оилани ижтимоий ҳимоялаш маркази эксперти

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

«Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига кредит соҳасидаги муносабатларни янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2025 йил 14 январда қабул қилинган

Сенат томонидан 2025 йил 20 февралда маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда аҳолининг молиявий хизматлардан фойдаланишини енгиллаштириш, банк хизматлари сифатини ошириш ва кўламини кенгайтириш, кредитлар бериш тартиб-таомилларини соддалаштириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга фуқароларнинг номига уларнинг хабарисиз кредитларни бериш ва тақдим этилган пул маблағларини форибгарлик усуллари қўллаган ҳолда ўзлаштириш ҳолларининг ўсиб бориши фуқароларнинг кредитлаш соҳасидаги манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий механизмлари такомиллаштирилишини талаб этмоқда.

(Давоми 2-бетда).



Учрашув

ГРУЗИЯ ҲУКУМАТИ РАҲБАРИ ПАРЛАМЕНТ ФАОЛИЯТИ БИЛАН ТАНИШДИ

Шу йилнинг 4 март куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддин Исмоиловнинг Грузия Бош вазири Ираклий Кобахидзе билан учрашуви бўлиб ўтди.

Мулоқот аввалида меҳмонларга янги тахрирдagi Конституция ва “Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар, Қонунчилик палатасининг таркибий тузилиши, унинг қонун ижодкорлиги йўналишидаги фаолияти, палата кўмиталари, комиссиялари ҳамда депутатларнинг асосий вазифалари ҳақида батафсил маълумот берилди.

Ўз навбатида, И. Кобахидзе самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг сўнгги йилларда тобора кенгайиши ва мустаҳкамланиши, турли соҳалардаги серкирра ҳамкорликнинг ривожланишида кузатилаётган барқарор ижобий тенденцияни мамнуний билан таъкидлади.

Шунингдек, кейинги йилларда Ўзбекистонда барча соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларни юқори баҳолади. Айниқса, Президент Шавкат Мирзиёев томонидан олиб борилаётган минтақавий алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган конструктив ва очик ташқи сиёсат таҳсинга сазоворлигини билдирди.

Учрашувда томонлар икки мамлакат ўртасидаги парламентлараро алоқаларга тўхташ экан, ҳамкорликни янада кенгайтиришда депутатлар ўртасидаги алоқаларни янада жадаллаштириш муҳим ўрин тутишини таъкидлашди.

Жорий йил 5 — 9 апрель кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган Парламентлараро Иттифокнинг 150-йубилей ассамблеясида Грузия парламенти вакилларининг иштирокида икки мамлакат ўртасидаги алоқаларнинг халқаро майдонда мустаҳкамланишига хизмат қилиши айтиб ўтилди.

Учрашувда, шунингдек, мамлакатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий, инвестициявий ҳамкорлик, транспорт-коммуникация, тўқимачилик, электротехника, туризм, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги алоқалар кўлами тобора кенгайиб бораётгани хусусида ҳам сўз юритилди.

Томонлар ҳамкорлиқни янги bosқинга олиб чиқишга келишиб олдилар.

Учрашув дўстона ва конструктив руҳда ўтди.

«Халқ сўзи».

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Ижтимоий-сиёсий ҳаётимизга дахлдор масалаларнинг ҳуқуқий асоси

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига дахлдор масалалар, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги таваккалчиликларини суғурта қилиш, суд ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини рақамлаштириш ҳамда ижро иши юритиш самарадорлигини янада ошириш, ер ости сув ресурсларини муҳофаза қилиш соҳасини такомиллаштириш, озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлашга қаратилган қатор қонун лойиҳалари муҳокама этилди.

Кафолатланган суғурта тизими жорий этилади

Дастлаб депутатлар “Қишлоқ хўжалиги таваккалчиликларини суғурта қилиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқди.

Ушбу қонун билан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини суғурта қоидаларига асосан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда табиий офатлар, ёнгин, ўсимликларнинг касалликлари ва зараркунданлардан талафот кўриши, чорва ҳайвонларининг юқумли касалликлардан нобуд бўлиши ва захарланишидан суғурта қилиш ҳамда ёввойи ҳайвонлар томонидан экинларнинг пайхон қилиниши ёки қишлоқ хўжалиги ҳайвонларига зарар етказилиши бўйича суғурта шартномаларини тузиш кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, қишлоқ хўжалиги суғуртасини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий асосларини белгилаш, соҳада таваккалчиликларни суғурталаш жараёнида қатнашувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аёқ этипти.

Лойиҳада қишлоқ хўжалиги суғуртаси жамғармасини ташкил қилиш, жамғарманинг даромадлари ва харажатлари, суғурталаниши лозим бўлган таваккалчиликлар, суғурта мукофотлари бўйича субсидиялар беришнинг ҳуқуқий асослари ҳам белгиланмоқда.

Мажлисида қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлашда нормаларни тўғри баён этиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда суғурта имтиёзларини жорий қилиш, қишлоқ хўжалиги суғуртаси соҳасида халқаро алоқаларни йўлга қўйиш, тизимда мувофиқлаштирувчи давлат органининг вазифаларини аниқ кўрсатиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилгани қайд этилди.



СЎЗГА СИҒМАС БЎЛДИ ШАРАФИНГ, ШОНИНГ...



Баҳор... Бобоқуёшнинг заррин нурлари Помир-Олой тоғларининг қумуш қорларини эритмоқда. Чўққилардан пастга қараб чопқилаб тушаётган қатта-кичик жилгалар Зарафшон дарёсига қўшилиб, ўзининг қуч-қудратини намоён этишга ошиққанидан бўлса керак, унинг ўрта оқимидаги қўрқам водий бўйлаб ҳаёт улашмакни бошлади. Бироқ кўклам ҳавоси ўзгарувчан. Баъзан бирдан совуқ забтига олиб, қор ёға бошлайди. Зум ўтмай яна қуёш чиқиб, осмон лажувард тус олади.

Шундай кезларда кўҳна Самарқанд ўзгача тароват касб этади. Енгил эсган шабада аллақаярдан ёмғирларни етаклаб келади. Бундан бутун борлиқ янада авжланади. Ямғирил майсалар абри найсондан мастона-мастона чайқалади. Шу тоғда беихтиёр оташқалб шоир Фафур Фуломнинг дилбар мисрралари ҳаёлда айланади:

Чулдайрайди боғу бўстон ирмоғи,
Қуёш томон чўзилар гул япроғи,

Курт, қумурсқа, саъва, бўлбул сайроғи,
Қўшиқларга тўлган олам қучоғи,
Баҳор кўйи, меҳнат кўйи бошланди.

Аммо, инсоф билан айтадиган бўлсак, Самарқандда баҳорий эврилишлар аллақачон бошланган. Вилоятда кечаётган бугунги ҳаётбахш ўзгаришлар, ҳамма соҳалардаги янгиланиш ва бунёдкорликлар, одамлар тафаккуридаги юксалишлар шунинг далили эмасми?!

Самарқанд деганда, аввало, кўз олдимизда тарихнинг турли даврларидан сўйлагувчи кўҳна обидалар, сир-синоатларга тўлиқ қадамжолар жонланади. Агар бу ҳақида ёзаман десангиз, кўлами бир мақолага сиғмас, балки минг дoston бўлажак. Дарҳақиқат, бу ўлкада азалдан ҳаёт қайнаган. Балки бошланishi 3-3,5 минг йилга бориб туташар. Ўша даврлардаёқ қадим аждодларимиз бу манзилларни макон тутган.

Балки бунга унинг жуғрофий қулайликлари сабаб бўлгандир. Рельефи, асосан, кенглик бўйлаб чўзилган ва шимолдан Туркистон тоғ тизмаларининг тармоқлари — Нурота, Оқтоғ, жанубдан Зарафшон тоғ тизмалари билан ўралган бу ҳудуд фусункор табиати, унумдор турпони, хуш ҳавоси тўфайли инсонлар учун яшашга жуда қулай ҳисобланган.

Ҳудуд фойдали қазилмаларга нихоятда бой. Олтин, қумуш, вольфрам рудаси

(Ингичка), флюорит, кварц, оҳақтош, гранит, мергель, гипс, бентонит гили, абразив материаллар, минерал бўёқлар, мармар (Омонқўтон, Фозгон, Жом), корунд конлари (Нуротанинг жануби-шарқида), минерал булоқлар неча минг йиллардан буён халқимизнинг ҳаёти фаровонлигини таъминлашга ҳисса қўшиб келмоқда.

Наботот ва ҳайвонот оламининг турфа навию ҳар хил тури учрайди бу гўзал ошёнда. Баҳор келиши билан тоғ ён бағирларига яқин текисликларда қизғалдоқлар барқ уради, шувоғу қўнғирбошлар чайқалиб, чор-атрофни ажиб ифорога буркайди. Дарё соҳилларини қоплаган жийда, турангил, маймунжон, юлғун тўқайзорлари, даштларга хусн берган турфа ўсимликлар, гуллар, чечаклар тулки, чиябўри, жайрон, тустовуқ, тувалоқ, қаклик каби турли-туман жонзотларга бағридан жой бериб, уларга ризқ улашади.



3

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ«Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига кредит соҳасидаги муносабатларни янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

◄ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ушбу Қонун билан «Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига жисмоний шахсларнинг улар билан кредит битимларини тузишга доир тақиб белгилашга ва уни олиб ташлашга бўлган ҳуқуқларини, уларни Кредит битими тузиш тақиқланган шахслар реестрига киритишнинг тартиби ва шартларини, шунингдек кредит ахборотидан фойдаланувчиларнинг белгиланган тақини бузган ҳолда кредит битимини тузганлик учун жавобгарлиги белгиланилишини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Бундан ташқари кредит бюролари ўзларининг фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик талабларини бузганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан уларга нисбатан қўлланиладиган чоралар ва санкциялар белгиланмоқда.

Мазкур Қонун фуқаролар номига уларнинг хабарисиз кредитларни бериш ва тақдим этилган пул маблағларини ўзлаштириш ҳолларининг олдини олишга, шунингдек кредит битимлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 4 октябрда қабул қилинган «**Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида**»ги ЎРҚ-301-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, № 10, 271-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2019 йил, № 3, 166-модда; 2020 йил, № 1, 1, 3-моддалар; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 968-модда; 2022 йил, № 3, 216-модда, № 4, 340-модда; 2024 йил, № 2, 105-модда) қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **3-модда:** **тўртинчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин: **«кредит ахбороти субъекти** – кредит битими бўйича тегишинча қарз олувчи (қарздор), лизинг олувчи, қафил, қафолат берувчи, гарант қўювчи ва сугурта қилдирувчи сифатида иштирок этувчи юридик ёки жисмоний шахс, шунингдек ўзининг кредит битими тузишини тақиқлаш ёки бундай тақикни олиб ташлаш тўғрисида кредит бюроларига маълумотлар киритиш ҳақида ариза берган жисмоний шахс»;

олтинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин: **«кредит ахборотидан фойдаланувчи** – кредит битими бўйича тегишинча кредитор, лизинг берувчи, гаровга олувчи ва сугурталоvчи сифатида иштирок этувчи юридик ёки жисмоний шахс, шунингдек қонунчиликка муvофиқ кредит ахборотидан фойдаланиш ваколатига эга бўлган юридик шахс»;

қуйидаги мазмундаги **еттинчи хатбоши** билан тўлдирилсин: **«кредит битими тузиши тақиқланган шахслар реестри** – кредит битими тузиши тақиқланган жисмоний шахслар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган ва кредит бюролари томонидан юритиладиган ягона маълумотлар базаси»;

2) **4-модда:** қуйидаги мазмундаги **бешинчи хатбоши** билан тўлдирилсин: «кредит битими тузиши тақиқланган шахслар реестрида жисмоний шахсининг кредит битими тузиши тақиқи мавжудлиги ҳақидаги ёки бундай тақиқ олиб ташланганлиги тўғрисидаги»; **бешинчи хатбошиси олтинчи хатбоши** деб ҳисоблансин; 3) **5-модданинг иккинчи қисми:** қуйидаги мазмундаги **бешинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«жисмоний шахснинг кредит битими тузишини тақиқлаш ёки бундай тақиқни олиб ташлаш тўғрисидаги ариза юборилган сана ва вaкт, тақиқ белгиланган ёки олиб ташланган сана ва тақиқ шартлари ҳақидаги»;

бешинчи хатбошиси олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин; 4) **7-модда:** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин: «Кредит бюроси устав фондининг (устав капиталининг) энг кам миқдори икки миллиард сўмни ташкил этиши керак»; **иккинчи – бешинчи қисмлари** тегишинча **унинчи – олтинчи қисмлар** деб ҳисоблансин; **тўртинчи қисмидаги** «Кичик тадбиркорлик субъекти бўлмаган» деган сўзлар чиқариб ташлансин; 5) **8-модда иккинчи қисмининг:** **иккинчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин: «муассислар умумий йиғилишининг кредит бюросини ташкил этиш тўғрисидаги баённомаси ёки ягона муассиснинг кредит бюросини ташкил этиш ҳақидаги қарори»; **тўртинчи хатбошиси** «муассислари» деган сўздан кейин «(муассиси)» деган сўз билан тўлдирилсин; **олтинчи хатбошиси** «устав фонди» деган сўзлардан кейин «(устав капитали)» деган сўзлар билан тўлдирилсин; 6) **12-модда:** **биринчи қисмининг тўққизинчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«қонунчилик талабларини бузганлик учун кредит бюроларига нисбатан чоралар ва санкциялар қўллаиди»; қуйидаги мазмундаги **унинчи қисм** билан тўлдирилсин: «Кредит битимини тузиши тақиқланган шахсларнинг ўзаро муvофиқлаштирилган реестрини кредит бюролари томонидан юритиш тартибини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилайди»; 7) қуйидаги мазмундаги **12'-модда** билан тўлдирилсин:

«12'-модда. **Кредит бюроларига нисбатан қўлланиладиган чоралар ва санкциялар**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қуйидаги қоидабузарликлар содир этилганлиги учун кредит бюроларига нисбатан чоралар ва санкциялар қўллаиди: кредит ахбороти алмашинуви тўғрисидаги ва кредит бюролари фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик талабларига риоя этмаганлик; кредит бюролари хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини бузганлик; лицензия қалбаки ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда олинганлиги факти аниқланганлиги. Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган қоидабузарликлар аниқланганда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қуйидаги чоралар ва санкцияларни қўллашга ҳақли: кредит бюроларига уларнинг фаолиятида аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш тўғрисида, шу жумладан кредит бюролари хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқлари бузиллишига олиб келувчи сабабларни бартараф этиш ҳақида бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар юбориш; базавий ҳисоблаш миқдорининг беш минг бараваригача бўлган миқдорда жарима ундириш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

8 МАРТ — ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

◄ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Султонова Хубон Тойировна — Бухоро туманидаги «Қавола Махмуд» маҳалла фуқаролар йиғинининг «Оқила аёллар» хара-кати етакчиси, Бухоро вилояти

Тожибаева Санобархон Уктамовна — Чуст туманидаги «Чуст Ўқтамжон сервис» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, На-манган вилояти

Турсункулова Джамиля Шамсиевна — «Ўзбекистон метал-лургия комбинати» акциядорлик жамиятининг золдир прокатлаш бўлинмаси гаров машинисти, Тошкент вилояти
Шомуратова Ойгул Жабборовна — Термиз тумани ободон-лаштириш бошқармаси гул етиштирувчиси, Сурхондарё вилояти
Элбоева Клара Ҷўлиевна — Нишон туманидаги «Нишон қора-қўчилик» масъулияти чекланган жамияти бош ҷўпони, Қашқа-дарё вилояти

Олдашова Мехри Артиқовна — Деҳқонобод тумани ҳоки-мининг ўринбосари — оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи, Қашқадарё вилояти

II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

Адхамжоновна Мавлудахон Ҳамзаевна — Ўзбекистон Рес-публикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси аъзоси
Ахмедова Сорахон Толипжановна — Ўзбекистон Респу-бликаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг маъмурий ҳуқуқ кафедраси профессори

Қамолова Истат Шукуровна — Ғиждуvon тумани ҳокими-нинг ўринбосари — оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи, Бу-хоро вилояти

Негматова Халима Утабовна — Жиззах шаҳар ҳокимининг ўринбосари — оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи, Жиззах вилояти

Сандова Дилфуза Эшқуловна — Жиззах шаҳридаги 22-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаби директо-ри, Жиззах вилояти

Солиева Уктамон Қозоқовна — Эркин Воҳидов номидаги иход мактаби ўқитувчиси, шопира, Фарғона вилояти

Султанова Дилшода Намазовна — Самарқанд давлат ар-хитектура-қурилиш университетининг санъат кафедраси профес-сори, Самарқанд вилояти

Тожибаева Наргиза Келдибековна — Сирдарё вилояти ҳокимининг ўринбосари — оила ва хотин-қизлар бошқармаси бошлиғи

ГЕНДЕР ТЕНГЛИК БОРАСИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ

Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси О. Қозихонова Латвия Республикасининг мамлакатимиздаги Фавкулодда ва мухтор элчиси Рейнис Трошка билан учрашди.

Мулоқот

Унда хотин-қизларни қўллаб-қувват-лаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, гендер ўзравонликка қарши курашиш соҳаларида миллий қонунчилиқни янада такомиллаштириш,

тадқиқотлар ўтказиш, мазкур йўналиш-да тегишли ташкилот ҳамда идоралар билан музокаралар ўтказиш масалала-ри муҳокама этилди. Гендер тенгликни таъминлаш, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини янада кенгайтириш бўйича Ўзбекистон тажрибаси таҳсинга сазовор экани таъкидланди.

Латвия элчиси хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, улар учун ўқув курслари ташкил қилиш, гендер таҳилл ўтказиш, статистик маълумотлар-ни тўплаш, таъйиқ, ва тизим ва ўзравонликдан жабрланган хотин-қизлар билан ишлаш бўйича ўзаро таъриба алмашишга тай-ёр эканини билдирди.

Учрашув якунида муҳокама этилган ма-салалар юзасидан яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича келишувга эришилди.

«Халқ сўзи».

Чоралар ва санкцияларни қўллашда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қуйидагиларни ҳисобга олади: қоидабузарликларнинг ҳусусиятини, микёсини ва оқибатларини; қоидабузарликларнинг тизимлилиги ва давомийлигини; қўлланиладиган чоралар ва (ёки) санкциялар натижасида вазиятни ўзгартириш имкониятини; аниқланган қоидабузарликларнинг юзага келишига олиб келган сабабларни; илгари қўлланилган чоралар ва санкцияларнинг самарадорлигини (натижадорлигини); 8) **14-модданинг:** **биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **тўққизинчи хатбоши** билан тўлдирилсин: «кредит битими тузиши тақиқланган шахслар реестрида жисмоний шахсининг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги тўғрисидаги ахборотни кредит ахбороти субъектларига ва кредит ахборотидан фойдаланувчиларга уларнинг сўровларига асосан бериши»; **тўққизинчи ва ўнинчи хатбошилари** тегишинча **ўнинчи ва ўн биринчи хатбошилар** деб ҳисоблансин; 9) **16-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин: «Қонунчиликка муvофиқ тақдим этилишига рухсат берилган ахборотни: банқлар ва нобанқ кредит ташкилотлари, шунингдек микроолия ташкилоти фаолиятини амалга оширувчи тўлов ташкилотлари – Кредит ахборотининг давлат реестрига ва кредит бюроларига; лизинг, сугурта ташкилотлари, товар истеъмол кредитларини берувчи ташкилотлар – кредит бюроларига тақдим этиши шарт»; 10) қуйидаги мазмундаги **16'-модда** билан тўлдирилсин:

«16'-модда. **Жисмоний шахслар тўғрисидаги маълумотларни кредит битими тузиши тақиқланган шахслар реестрига киритиш**

Жисмоний шахс ўзининг иштирокисиз ёки хабарисиз кредит битими расмийлаштирилишининг олдини олиш учун ўзи билан кредит битимини тузиши кредит бюросига ариза киритиш орқали тақиқлаши мумкин.

Кредит битимини тузишни тақиқлаш ёки бундай тақиқни олиб ташлаш тўғрисидаги ариза Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали электрон шаклда, давлат хизматлари марказлари ёки кредит бюролари орқали ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилиш асосида берилади.

Кредит битимини тузишни тақиқлаш ёки бундай тақиқни олиб ташлаш тўғрисидаги ариза олинган пайдан эътиборан кредит бюроси томонидан дарҳол кредит битими тузиши тақиқланган шахслар реестрига киритилади.

Кредит битимини тузишни тақиқлаш ёки бундай тақиқни олиб ташлаш ихтиёрий равишда амалга оширилади. Бунда мазкур хизматлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда бепул асосда кўрсатилади.

Жисмоний шахсларнинг кредит битимини тузишини тақиқлаш тўғрисидаги аризалари рўйхати кредит битими тузиши тақиқланган шахслар реестрида кредит бюролари томонидан юритилади.

Кредит битими тузиши тақиқланган шахслар реестридан кредит

битимини тузиш тақиқи мавжудлиги ёки бундай тақиқ олиб ташланганлиги тўғрисидаги ахборотни олмасдан туриб кредит битимини тузиш тақиқланади. Бунда банқлар ёки нобанқ кредит ташкилотлари ёҳуд микроолия ташкилоти фаолиятини амалга оширувчи тўлов ташкилотлари жисмоний шахснинг иштирокисиз ёки хабарисиз амалга оширилган кредит битимидан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар учун жавобгар бўлади.

Кредит ахборотидан фойдаланувчилар жисмоний шахслар тўғрисидаги ахборотни кредит битими тузиши тақиқланган шахслар реестридан бепул асосда олади»;

11) **17-модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги** «Юридик шахсларнинг давлат реестрига ва Якка тартибдаги тадбиркорларнинг давлат реестрига» деган сўзлар «Тадбиркорлик субъектларининг ягона давлат реестрига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

12) **22-модданинг биринчи қисми:** **саққизинчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин: «ўзи ҳақидаги кредит ҳисоботининг тақдим этилишига розилик беришни рад этиш ёки унинг кредит бюролари томонидан тақдим этилишини тақиқлаш (тақиқни олиб ташлаш)»; қуйидаги мазмундаги **ўнинчи хатбоши** билан тўлдирилсин: «кредит битимини тузишни тақиқлаш ёки бундай тақиқни олиб ташлаш тўғрисидаги ариза билан белгиланган тартибда мурожаат этиш»;

ўнинчи хатбошиси ўн биринчи хатбоши деб ҳисоблансин; 13) **24-модданинг биринчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Кредит ахборотини тақдим этиш ва унинг алмашинуви фақат кредит битимини тузиш, ўзгартириш ҳамда кредит битимининг ижросини мониторинг қилишдаги таваккаллаштирини баҳолаш мақсадида, шу жумладан кредит ахбороти субъектларини рейтинг асосида баҳолаш орқали, шунингдек қонунчиликда белгиланган бошқа мақсадларда амалга оширилади».

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳуқумат қарорларини ушбу Қонунга муvофиқлаштирсин; республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта қўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради. Ушбу Қонун 1-моддаси 7-бандининг тўққизинчи хатбошиси 2026 йил 1 июлдан эътиборан амалга киритилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2025 йил 4 март № ЎРҚ—1043	

Ўзбекистон Республикасининг Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2025 йил 4 март № ЎРҚ—1043	
Қораева Дилнавоз Кумаковна — Шўртан нефть ва газ қазиб чиқариш бошқармасининг етакчи муҳандис-технологи, Қашқа-дарё вилояти	
Қўчқорова Барно Ибодуллаевна — Янгиярқи тумани ҳоки-мининг ўринбосари — оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи, Хоразм вилояти	
Маматқулова Зиннат Маматқуловна — Янгиобод тумани-даги «Янгиобод агропилласи» масъулияти чекланган жамияти пил-лачиси, Жиззах вилояти	
Матчоновна Муҳаббат Мадиримовна — Хива туманидаги «Муруват» ногиронлиги бўлган шахслар учун эркаклар интернат уйи кичик тиббий ходими, Хоразм вилояти	
Мирзаева Мехрия Шабобаевна — Вобкент туманидаги «Са-риосиё» маҳалла фуқаролар йиғини хотин-қизлар фаоли, Бухоро вилояти	
Набиева Дилрабо Ибрагимовна — Давлатобод тумани ҳоки-мининг ўринбосари — оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи, Наманган вилояти	
Равшанова Фарида Файзуллаевна — Жарқўрғон тумани ҳокимининг ўринбосари — оила ва хотин-қизлар бўлими бош-лиғи, Сурхондарё вилояти	
Рузиева Иродабону Кахрамон қизи — «Навоийуран» дав-лат корхонасининг Уран ишлаб чиқариш заводи технологик ла-бораторияси кимёвий таҳлил лаборанти, Навоий вилояти	
Юлдашева Марям Абдухалимовна — Қўштепа тумани ҳоки-мининг ўринбосари — оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи, Фарғона вилояти	
Тожиқонова Гавхарой Ахунжановна — Марҳамат тумани «Янги ҳаёт» маҳалла фуқаролар йиғинидаги ҳоким ёрдамчиси, Андижон вилояти	
Тошпулатова Қизилархон Эшбоевна — Шўрчи туманидаги якка тартибдаги тадбиркор, темирчи-уста, Сурхондарё вилояти	
Эгамбердиева Дилфуза Рустамовна — Ўзбекистон Рес-публикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Озик-овқат ва тақилоқ ҳўжалиги соҳасида стратегик ривохланиш ва кидиқотлар халқро маркази директорининг биринчи ўрин-босари	

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2025 йил 4 март	

Сенатор ва ҳаёт

ҲЕЧ КИМ ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ

Конституциявий ислохотлар доирасида маҳқумларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, шаъни ва қадр-қимматига ҳурмат билан ёндашиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу мақсадда Тошкент вилоятининг Заңготида туманида жойлашган жазо-ни ижро этиш колониясида маҳкума аёллар учун чуқурлаштирилган тиб-бий кўрик ташкил қилинди. Тадбир парламент юқори палатаси, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар

қўмитаси ҳамкорлигида ўтказилди. Тиббий кўрик доирасида маҳкума-лар хирург, травматолог, гинеколог, маммолог, окулист, невропатолог каби малакали мутахассислар томо-нидан текширувдан ўтказилди. Замо-навий тиббий усуналар билан жи-ҳозланган махсус мобиль тиббий ав-тобус, рентген аппарати ва ижтимоий

дорихона хизматлари ташкил этилди. Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши ку-раишш қўмитаси раиси А. Эшмуратов маҳкумалар билан учрашиб, муаммо ва тақлифларини аштитди. Мазкур тиббий кўрик уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жамиятда ўз ўрни борлигини эътироф этишга қаратилгани таъкид-ланди. Бундай тадбирлар келгусида анъанавий равишда ўтказилади.

«Халқ сўзи».

Шу йил 29-30 май кунлари Ўзбекистон пойтахтида навбатдаги «Ташкент Law Spring» халқаро юридик форуми бўлиб ўтади.



СЎЗГА СИҒМАС БЎЛДИ ШАРАФИНГ, ШОНИНГ...

«Ажаб ораста шахредур...»

Шубҳасиз, воҳанинг кўрку жамоли ва дунёни тутган овозаси Самарқанд шаҳрининг шон-шухрати билан боғлиқ. Ўтмишда бу кент қанчалик шухрат қозонган бўлса, бугунги доврungi ундан зиёда бўлса бор, аммо кам эмас.

Биласиз, дунёда “Боқий шаҳар” деган улуг номга сазовор бўлган кентлар унчалик кўп эмас. Кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқанд қадим тарихи, инсоният тамаддунида тутган бекиёс ўрни боис мана шу юксак мақом билан шарафланган. Қувонарлиси, шу мартабани бугун ҳам маҳкам тутиб турибди.

Гўзал табииати, мўтадил иқлими, қўлай жуғрофий жойлашуви, меҳнаткаш ва меҳридар халқи билан не-не салтанатларга пойтахт бўлмади бу гўзал кент. Шу боис ҳам доврungi етти иқлимга кетган бу шаҳар ҳақида турли афсоналар яратилган. Неча авлодлар шу асотирларни эшитиб улғайди. Сиз билан биз ҳам уларнинг анчасини эшитганимиз, албатта.

Ҳатто антик давр тарихчилари асарларида ҳам ушбу шаҳар ҳақидаги маълумотлар учрайди. Масалан, унинг давлатлики номларидан бири сифатида “Мароканда” атамаси келтирилган. Бу “Самарқанд” истилоҳининг юнонча талқини эканини барчамиз яхши биламиз. Зотан, шаҳар ҳудудида олиб борилган археологик қазималардан маълум бўлганидек, юқори палеолит даврида ҳам бу ерда одамлар яшаган.

Асрлар давомида ушбу ошёнда қанчадан-қанча обидалар, қўрғонлар, ибодатхоналар барпо бўлмишди, дейсиз? Афсуски, уларнинг кўпи душманлар томонидан vayрон этилиб, тупроққа қориштирилди. Фақат айримларигина улуг аждодларимизнинг юксак ақл-заковати, бетимсол бунёдкорлик салоҳияти махсули сифатида бугунги кунгача савлат тўкиб турибди. Шунинг учун Самарқанднинг ҳар қисм тупроғига улуг аждодларимизнинг хоки, ҳар қарч ерида муборак излари, самовий обидалар гишларида, нилий гўмбазларида кўз нури, қалб кўри муҳассам, десак, муболага эмас.

Соҳибқирон Амир Тему́р Самарқандни ўзи барпо этган марказлашган давлатнинг пойтахти сифатида танлаганида шу жиҳатларни ҳисобга олгани аниқ. Зотан, қадимдан маданият ва маърифат маркази бўлиб келган бу кенг салтанатнинг қудратига, обрў-эътиборига ғоят мос эди. Тему́р ва те́мурийлар бу гўзал шаҳри азимни янада жозибали маъвога айлантирди. Мирзо Улуғбек ҳукмронлиги даврида Самарқанд таълим, илм-фан, хусусан, фалакиёт кучли тараққий этган шаҳар ўлароқ оламга ном чиқарди.

Ўз даврида Алишер Навоийдек буюк сўз санъаткори, атоқли давлат арбобининг Самарқандда таълим олгани унинг нақадар юксак макъе касб этганидан далолат беради.

Бир неча минг йиллар оша Самарқанднинг таърифу тавсифи диллардан-дилларга, тиллардан-тиллarga ўтиб, оламаро шон-шухрат қозонди. Натижада унга “Ер юзининг сайқали”, “Нур таралиб турувчи нуқта”, “Дунё тамаддунининг гавҳари”, “Боқий шаҳар”, дегу улуг таърифлар берилди. Не-не шоирлар унинг кўрку жамолига атаб шеър гузаллар, дostonлар битмишди, дейсиз. Бутун инсоният тамаддунига улкан ҳисса қўшган олимлар у ҳақида илмий асарлар яратди.

Шу тарика шаҳарда қурилган обидалар, ораста боғлар гўзаллиги, қўрку таровати доврungi бутун оламга кенг ёйилди. Заҳириддин Мухаммад Бобур “Бобурунома”да “Рубий маскунда Самарқандча латиф шаҳар камроқдур. Самарқанд шаҳри ажаб ораста шахредур...” дея ёғганида заррача муболага қилмагани, шубҳасиз.

Бугунги кунда ҳам бу дилбар маъво хусусида ашворлар ва илмий асарлар яратилмоқда. Гапнинг очиги, мазкур бетакрор кент бунга ҳар жиҳатдан муносибдир.

Тарих ва келажак туташган манзил

Буюк ўтмишдан куч ва руҳ олган Самарқанд тарих ва келажак туташган манзил сифатида бугун янги Ўзбекистоннинг гавҳари сифатида ўзини намёнён этмоқда. Шаҳар ҳам суратдан, ҳам сийратан бутунлай янгиланяпти. Бунда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ҳиссаси беқийёс. Буни барчамиз кўриб-билиб турибмиз.

Охириги етти-саккиз йилда Самарқанд ўз тараққиётининг мутлақо янги даврига қадам қўйди. Тимсоллар тилида айтадиган бўлсак, у қайта тугилди ва дунёга юрак юз очди, яъниким узук-ка дур жойланган каби бўлди.

Вилоятда олиб бoрилаётган кенг кўламли ишлар ва улкан бунёдкорликлар нафақат ҳудуд равнақини таъминлаш, балки ушбу афсонавий маъвонинг дунё саҳнасидаги тарихий ўрни ва шухратини қайта тиклаш, аҳоли фаровонлигига эришиш, юртдошларимиз ва сайёҳлар учун барча замонавий инфраутизилмани яратишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Вилоятнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётидаги юксалиш одамлар турмуш тарзида, оsoйишталик, тўқинликда намёнён бўлмоқда. Бугун вилоятнинг Каттакўрғон, Ургут, Булунгур, Жомбой, Иштихон, Нарпай, хуллас, қайси ҳудудига борманг, саноат кенг қўлоч ёзаётганига гувоҳ бўласиз. Ҳатто вилоят марказидан энг олис қишлоқларда ҳам янги қорхоналар очилаяпти. Хусусан, ўтган йили вилоятга 928,5 млн. доллар миқдорига хорижий инвестиция маблағлари жалб этилиб, 147 та лойиҳа ишга туширилди. Бундан ташқари, 166 та қўшма қорхона очилди ва уларнинг сони 926 тага етди. Энди

бу завод ва фабрикаларда минглаб самарқандликлар меҳнат қилаётганини ҳисобга оладиган бўлсак, қанчадан-қанча оилаларга қувонч кириб келгани, инсонларнинг орзу-мақсадлари рўёбга чиққанини, эртанги кунга ишончи мустақамланганини тасаввур этишимиз қийин эмас.

Вилоятда ишлаб чиқарилган махсулотлар бугун дунёни забт этаётир. Айнан шу ерда тайёрланган кийим-кечақлар, мебель ва техникалар, ҳатто ривожланган мамлакатлар аҳолисининг хонадонлари тўридан жой олмоқда.

Ўтган йили вилоятнинг ташқи савдо айланмаси 2,8 млрд. долларни ташкил қилгани ҳам, аслида, шундан дарак беради. Бу кўрсаткич экспорт ҳажми 2023 йилдагига нисбатан 127 фоизга ошганини ифодалайди.

Давлатимиз раҳбари яратиб берган имкониёт ва имтиёзлар туфайли вилоят аҳолиси кичик бизнес ва тадбиркорлик борасида ҳам салмоқли ютуқ ва натижаларга эришмоқда. Айни пайтда вилоятда хусусий секторнинг яқли ҳудудий махсулотдаги улуши 73 фоиздан ошгани ва меҳнат билан банд аҳолининг 87 фоиздан зиёди шу тизимда меҳнат қилаётгани фикримизнинг яққол далилидир.

Яна бир эътиборли жиҳат: 2024 йилда вилоятнинг ялпи ҳудудий махсулоти 6,9 фоиз ўсган. Бу эса ҳудуднинг иқтисодий-ижтимоий тараққиёти барқарор тус олганидан дарак беради.

Кўнгилларга кўчаётган ободлик

Самарқанд вилояти кейинги йилларда том маънода улкан бунёдкорлик майдонига айланди. Бир вақтлар ёзда қавуш ботар чанг, қишда бир қарич лой жин кўчалар бугун нихоятда ораста, текис асфальтланган, кенг ва равон йўлларга эврилган. Пана-пасткам йўлар ўрнида замонавий осмонўпар бинолар қад ростламоқда.

Самарқанд шаҳрининг бир қанча кўчалари кесишган нуқталарда ер ости йўллари барпо этилди. Аҳолини шинам ва арзон уй-жой билан таъминлаш алоҳида дастур асосида амалга оширилмоқда. Хусусан, “Қорасу” массивидаги 100 минг киши яшашига мўлжалланган кўп қаватли уйлар, “Янги Ўзбекистон” массивидаги 1294 квартирали 36 та кўп қаватли иморат ал-



лақачон ўз эгаларига топширилди. Воҳода кўп қаватли уйлар қуриш изчил давом этмоқда. Бу бунёдкорликлар қаторига “Обод қишлоқ” дастури доирасида олиб бoрилаётган ишларни — қишлоқ ва маҳаллалар йўллари текисланбди, асфальт қилинаётгани, хонадонларга ичимлик суви тармоқлари тортилётгани, табиий газ ва электр энергияси билан таъминлаш бўйича муаммолар ҳал қилинаётганини ҳам қўйсак, бу эзгу ишларнинг кўлами ва аҳамиятининг заъвари янада ошади.

Бугун самарқандликлар билан суҳбатлашсангиз, уларнинг қайфияти кўтаринкилигини, руҳи баландлигини дарров сезасиз. Турмуш тарзидаги, ён-атрофидаги ўзгаришлар уларнинг онгу тафакқурига, ҳаётий қарашларига ижобий таъсир кўрсатаётганини бот-бот тилга олишмишди. Аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағал оилаларни қўллаб-қувватлаш учун бор куч ва имкониётларни сафарбар этиш, жонажон Ватанимизнинг ривожига ҳисса қўшаман, деган ҳар бир юртдошимизга қўмаклашиш — қисқача айтганда, эл-юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси билан яшаш мутасадди раҳбарлардан тортиб оддий одамларгача ҳаёт тамойилига айланиб бoраётгани қувонарли, албатта.

Шу маънода, келгуси марралар янада баланд олинган. Жумладан, жорий йилда вилоятда 320 мингта янги иш ўрни яратиш бўйича тасдиқланган режанинг ижросини таъминлаш, ҳар бир маҳалла драйверидан келиб чиқиб шакллантирилган 45 мингдан зиёд лойиҳаларни ишга тушириш, “туризм маҳаллалари” ва “туризм қишлоқлари”ни қўлайтириш, экспортни 850 млн. долларгача ошириш устувор вазифа сифатида белгиланган.

Энг асосийси, вилоятдаги 16 та туман (шаҳар) ва 1126 та маҳалланинг ҳар бирини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларни камбағаллик, ишсизлик ва жиноятдан ҳоли ҳудудга айлантириш, “Обод маҳалла — обод кўча — обод хонадон” мезонларини ҳаётга таътиб этиш ишлари аниқ дастур ҳамда маблағ билан таъминланган ҳолда амалга оширилмақдаки, бу кўзлан-

ган натижага эришишда ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Мухими, барча соҳада Президентимиз белгилаб берган вазифалар вилоятнинг ривожланиш стратегияси ўлароқ самарқандликларни бир мақсад йўлида жипслаштириб, уларни олға ҳаракатлантирмоқда. Бу вилоят яқин истиқболда юксалишининг янги поғонасига кўтарилишига замин яратади.

Зиёратчилар талпинадиган маскан

Бугун бутун дунё бу гўзал ва бетакрор манзилга талпинмоқда, десак, сира муболага бўлмайди. Ҳақли савол туғилади: нима учун жаҳоннинг турли бурчагидан одамлар Самарқандга келишга, олдин келганлар уни яна кўрмоқликка орузманд?

Бунинг қатор омиллари бор. Аввало, сал илгарироқ айтиб ўтилганидек, бу ердагидек тарихий обидалар оламдаги камдан-кам давлатлардагина бор. Аммо ҳозирги замонавий дунёда бунинг ўзи камлик қилади.

Назаримизда, охириги йилларда Самарқандда рўёбга чиқарилаётган кенг кўламли бунёдкорликлар, яъни сайёҳларга яратиб бeрилаётган шарт-шароит ва қўлайликлар муҳим омиллардан бири, десак, айни ҳақиқат.

Биласиз, ҳозирги замонавий дунёда аэропорт ва темир йўл вокзали ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос “дарвозаси” саналади. Бу “дарвоза” қанчалик ораста ва оҳанраболи бўлса, сайёҳлар оқими шунга мос бўлади.

Самарқанд аэропортини кўз олдимизга келтириб кўрайлик. Юқоридан қарасангиз, у очик турган китобни ёдга солади. Бунёдкорлар бу билан нимани кўзлади экан?

“Бугун самарқандликлар билан суҳбатлашсангиз, уларнинг қайфияти кўтаринкилигини, руҳи баландлигини дарров сезасиз. Турмуш тарзидаги, ён-атрофидаги ўзгаришлар уларнинг онгу тафакқурига, ҳаётий қарашларига ижобий таъсир кўрсатаётганини бот-бот тилга олишмишди. Аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағал оилаларни қўллаб-қувватлаш учун бор куч ва имкониётларни сафарбар этиш, жонажон Ватанимизнинг ривожига ҳисса қўшаман, деган ҳар бир юртдошимизга қўмаклашиш — қисқача айтганда, эл-юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси билан яшаш мутасадди раҳбарлардан тортиб оддий одамларгача ҳаёт тамойилига айланиб бoраётгани қувонарли, албатта.”

Тўғри топдингиз, бу, аввало, Самарқанд дунёдаги барча инсонларга очиклигини, унга ташриф бююрганлар бир олам маълумот ва таассуротларга эга бўлишини, агар кўрган-кечирганларини битишини ният қилишса, у катта китобга айланишини билдиради. Биз шунга қўшимча сифатида Ўзбекистонда олиб бoрилаётган очиклик сиёсатининг ўзига хос ифодаси, деган бўлардик.

Самарқанд темир йўл вокзали ва унга олиб келувчи “учар тулпорлар” ҳақида ҳам шу сингари фикрларни билдириш мумкин.

Тасаввур қилинг: Тошкентдан қадим кентга қараб йўлга тушдингиз. Ўша “учар тулпорлар” сизни ёки хорижлик сайёҳни қисқа фурсатда тарихий гўшага етлади. Давоми маълум: ҳар қандай чет эллик ўзини бетакрор эртаклар оламида кўради.

Хорижий сайёҳларни янада кенгроқ жалб этиш мақсадиди Самарқандда кенг кўламли бунёдкорлик ишлари олиб бoрилаётганини яна бир бор айтиб ўтиш жоиз. Кейинги йилларда қадим обидалар, мадрасаи масжидлар, хонақоҳ мақбаралар ва бошқа ноёб меъморчилик ёдгорликлари қайта таъмирланган. Жумладан, Регистон майдони, Шохи Зинда, Ҳазрати Хизр, Рухобод, Даҳбед, Нодир девонбеге зиёратгоҳлари, Бибиҳоним жоме масжиди, Улуғбек расадхонаси, Хожа Дониёл, Хўжа Аҳрор Валий, Мотуридий, Амир Тему́р мақбаралари тарихий қиёфасига уйғун равишда қайта таъмирдан чиқарилди.

Ислом оламининг табарруқ зиёратгоҳларидан бири бўлган мўтабар қадамжо — Имом Бухорий мажмуаси бутунлай янги қиёфа касб этаётир.

Ҳадис илмининг султони сифатида дунёда ном қозонган Имом Бухорий бобомиз муслмон оламининг фаҳри ҳисобланади. Буюк муҳаддиснинг Самарқанддаги табарруқ қабрини зиёрат қилиш учун ҳар йили юртимизга дунёнинг турли бурчакларидан минглаб муслмонлар келади.

Шу боис бу ерда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2019 йилда Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ҳамда Ҳадис илми мактаби ташкил этилди. Ундан кейин ушбу зиёратгоҳда Имом Бухорий мажмуасини қайтадан барпо қилиш мақсадиди янги лойиҳа бўйича реконструкция ишлари бошланди. Бу ерда қарийб 10 минг намозхонга мўлжалланган масжид, тўртта минора, айвонлар барпо этилди.

Давлатимиз раҳбари бир неча бор Имом Бухорий мажмуасида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларини кўздан кечирди. Иншоотларни безаш, ҳудудни ободонлаштириш, зиёратчилар учун қўлай шароитлар ҳозирлаш бўйича мутасаддиларга тегishiли кўрсатмалар берди.

Эндиликда бу ерга келган меҳмонлар ер ости галереяси орқали Имом Бухорий қабрини зиёрат қилиш имконига эга бўлади. Обида девор-

лари миллий нақшлар, пардозбop тошлар билан сайқаллаб чиқилди. Мажмуадаги олти асрлик қадимий чинорлар, қайнаб чиқаётган булоқ ва ховуз аввалги ҳолича сақлаб қолинди. Икки гектардан зиёд майдон кўкаламзорлаштирилди, унинг атрофида хиёбон, меҳмонхоналар, икки ёнида маданий-маиший иншоотлар барпо этилди.

Ҳозирги пайтда мажмуага зиёратга келган меҳмонлар унинг маҳобати ва салобатидан ҳайратга тушади. Қалбида фаҳр-ифтихор туйғусини ҳис қилади.

Янги сурат ва сийрат касб этган Имом Бухорий мажмуасининг жорий йилда қайта фойдаланишга топширилиши Самарқандда зиёрат туризми имкониятлари янада кенгайишига ҳисса қўшади.

Янги Ўзбекистоннинг туризм дарвозаси

Самарқанд Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан “Янги Ўзбекистоннинг туризм дарвозаси”га айлантирилмоқда. Ана шу эзгу мақсад йўлида амалга оширилган мегалойиҳалардан бири — давлатимиз раҳбари ғояси ва ташаббуси асосида бунёд этилган “Буюк Ипак йўли” халқаро туризм марказидир.

Бу муқташам мажмуа нафақат Самарқанднинг янги қиёфасини белгилаб, туризм имкониётларини янги босқичга кўтарди, балки халқимизнинг юксак ақл-заковати, улкан бунёдкорлик салоҳияти ва фидокорона меҳнати махсули сифатида Ватанимиз тарихидан жой олди.

“Буюк Ипак йўли” халқаро туризм маркази йилига 2 миллион сайёҳга хизмат қиладиган кўп тармоқли мажмуадаир. Марказ таркибиде “Боқий шаҳар” мажмуаси, Конгресс-холл, 8 та замонавий меҳмонхона, амфитеатр ва кўплаб бошқа объектлар мавжуд.

ассамблеясининг 43-сессияси ўтказилади. Ушбу олий даражадаги анжуманга дунёнинг юздан ортиқ давлатларидан 6 мингдан кўпроқ иштирокчилар келиши кутилмоқда.

Эътиборли томони шундаки, ушбу нуфузли тадбир шу вақтга қадар Париждан бошқа шаҳарда ўтказилмаган. Шу нуқтаи назардан, ЮНЕСКО Бош ассамблеяси сессиясининг Самарқандда ташкил этилиши тарихий воқеалик бўлиб, кўҳна ва навқирон кент сайёҳлик салоҳиятининг яна бир халқаро эътирофидир.

Уйғонинг ва уйғотинг

Қадимдан таълим-тарбия, илм-фан, маданият, маърифат бешиги бўлиб келган Самарқанд бугун мамлакатимизда ушбу соҳаларга қаратилаётган эътибордан келиб чиққан ҳолда азалий ўрнини, тарихий макёини қайта тиклаши керак.

Вилоятда ҳозирги кунда замонавий таълим масканлари, янги олийгоҳлар фаолияти йўлга қўйилаётгани рoст. Эндиги масала — жаҳон талабларига мос кадрлар тайёрлаш, замонамизнинг илғор фикрли авлодини қамолга етказиш, маданий-маънавий, бадий савия жиҳатидан вилоятни чинакам локомотивга айлантиришдир.

Таассуфки, вилоятда китобхонлик, газетхонлик, адабиётни янада ривожлантириш бўйича ҳали қилинадиган ишлар кўп. Уларни бекаму қўст амалга ошириш учун, биринчи навбатда, аини соҳаларга турли даражадаги раҳбарларнинг муносабатини ўзгариштири зарур. Бадий асарлар, газета, журналлар ўқишда, аввало, раҳбарлар ўзлари фаоллик кўрсатиши, бошқаларга ўрнак бўлиши ҳамда уларнинг тарғиботини янада қучайтириши лoзим. Мутлоа маданиятини юксалтириш бўйича Самарқанд тажрибаси яратилса, нур устига аъло нур бўларди.

Зотан, бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳаётбахш ислохотлардан ўз вақтида хабардор бўлиш, уларнинг ўзак мағзини чуқур тушушни ва ихросига сидқидилдан ҳисса қўиши, қалбларда эл-юрт тақдирига дахлдорлик, қуюн-чақлик, азму шижоат, муҳаббат ва садоқат туйғуларини тарбиялаш, шубҳасиз, китобхонлик, газетхонлик билан биргаликда кeчади. Мутлоа инсонни қомиллик сари елтувчи энг тўғри ва самарали йўлдир.

Ҳозирги кунда давлатимиз раҳбари китоб ўқиш ва унинг тарғиботида ҳаммага намуна бўлиб келаяпти. Президентимиз хорижий давлатлар раҳбарларига китоб совға қилишни анъанага айлантирган. Таълим, илм-фан, маданият, адабиёт масалалари юзасидан ўтказган йиғилишларида, юртимиз зиёлилари, ёшлар билан учрашувларида китоб ва матбуот наشرлари мутлоада муҳимлигини, улар тарғиботини янада қучайтириш лoзимлигини бот-бот таъкидлайди.

Бундан ҳар бир юртдошимиз, айниқса, мутасаддилар зарур хулосалар чиқариши, фаолиятига ана шу мезон асосида баҳо бeриши, гапнинг сирасини айтганда, қалбан, руҳан уйғонishi ва бошқаларни ҳам уйғотишга интилиши шарт. Соҳани янада ривожлантириш борасида қабул қилинган қарор ва фармойишлар, берилган топшириқ ва кўрсатмалар ижросини таъминлаш бутун мамлакатимиз ҳудудлари қатори Самарқанд вилоятида ҳам бугунги кўнинг долзарб масаласи бўлиши керак. Бинобарин, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, китоб ўқиган, ўзининг устида ишлаган одамда қанот бўлади. У бeфарқ бўлмайди. Унинг кўпи билимиде бўлади.

Самарқандда китобхонлар, газетхонлар, билимли, илмли инсонлар янада кўпайса, вилоят янада тараққий этади, гуллаб-яшнайди.

Бугун Ўзбекистонда янги бир уйғонishi, баҳорий янгиланишлар нафаси кезмоқда. Юқориде айтганимиздек, Самарқандда ҳам баҳор аллақачон ўз сепини ёйиб, мўъжизавий қудратини намёнён этмоқда. Ишончимиз қомилки, бу ердаги ўсиш, ўзгариш бошқа ҳудудларникидан бутунлай бошқача, ўзига хос ва азалий макёеига мос бўлади. Самарқанд баҳори ҳали хусну малохатини, латофатини, сеҳру жозибасини янада тўлиқроқ, янада равшанроқ, янада мукаммалроқ кўрсатиб, барчани ортидан эргаштиради.

Холбуки, келажак пойдеворида тамал тошини қўйган учинчи Ренессанс бизни бир мақсад йўлида жипслаштиришдан ташқари, келажакка ишончимизни янада мустаҳкамлади, янги кунни умид билан кутиб олишга руҳлантирди. Ишон бўлган жойда муваффақиятлар, ютуқлар бардавом бўлади. Ўрта асрларда дунё ҳамжамияти томонидан Амир Тему́р бобомиз ва унинг салтанати пойтахти — Самарқанд Европанинг халоскори сифатида ном қозонган бўлса, бугунги кунда Президентимиз саъй-ҳаракати билан дунё маданий пойтахти, олий даражадаги масалалар муҳокама этиладиган халқаро миёнбагга айланмоқда.

Темурбек бошлаган боқий машварат,
Сўмас эзгуликинг бахти, шуқуҳи.
Ҳилпарар тотувлик байроғи абад,
Тамал тоши эрур Самарқанд руҳи.

Бу замин руҳидан куч олиб яна
Кундан-кунга сайқал топмоқда жаҳон.
Эзгулик ҳар ерда қилар тантана,
Ҳар кимнинг иқболи бўлар нурафшон.

Сўза сигмас бўлди шарафинг, шонинг,
Ўзгалсан, кўркамсан таърифта монанд.
Сен, ахир, улуг юрт — Ўзбекистоннинг
Бошига тождирсан, мангу Самарқанд!

Ўқтир ҚАҲМАТ.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши